БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№78 (223) 2018 йил 5 октябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Ўзбекистон Президентининг ташрифи Ҳиндистон матбуоти нигоҳида

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 30 сентябрь – 1 октябрь кунлари Ҳиндистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтарди.



Ташриф доирасида турли соҳаларда икки мамлакат ҳамкорлиги ривожига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Ушбу тарихий воқеа Ҳиндистон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотиб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Ҳиндистоннинг йирик кундалик нашрларидан бири Economic Times газетаси 800 минг нусхада чоп этилади. Бу Wall Street Journal (АҚШ) газетасидан кейинги энг йирик иқтисодий нашрдир.

Газетанинг 1 октябрь сони асосан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифига бағишланган. Биринчи саҳифада **«Ўзбекистон – Ҳиндистон: икки томонлама ҳамкорликнинг янги саҳифаси»** сарлавҳали мақола, Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг сурати жой олган.

Иккинчи саҳифада тўртта мақола чоп этилган бўлиб, уларнинг асосийси **«Ўзбекистон – Ҳиндистон: тараққиёт йўлида ҳамкорлар»** деб номланади. Материалда икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш жараёнлари тавсифланган, иқтисодий алоқалар батафсил таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «илк давлат ташрифи икки халқ ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади», деб ёзади Economic Times газетаси.

**«Нима учун Ўзбекистонга сармоя киритиш керак? Очилаётган бозор янги иштирокчиларга кенг имкониятлар яратади»** сарлавҳали иккинчи мақолада Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти баён этилган ва Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан иқтисодиётни либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берилган. Материалга илова тарзида жойлаштирилган инфографикада Ўзбекистонга сармоя киритиш афзалликларининг асосий омиллари, жумладан, диверсификация қилинаётган иқтисодиёт, юртимизнинг Марказий Осиёдаги энг йирик бозор экани, қулай географик жойлашуви, улкан инсоний ва интеллектуал ресурслари, табиий захиралари ва сармоядорларга берилаётган имтиёзлар кўрсатилган.

**«Андижон эркин фармацевтика зонаси бизнес алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади»** деб номланган мақолада Ўзбекистонда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароит, хорижий инвесторларга тақдим этилаётган имтиёзлар, Ҳиндистон билан ўзаро муносабатларнинг ривожи хусусида сўз юритилган.

Газетанинг иккинчи саҳифасида **«Uzbekistan Airlines Тошкент-Мумбай тўғридан-тўғри авиақатновларга таклиф этади»** сарлавҳали мақолада янги авиақатновлар икки мамлакат ўртасидаги савдо ва туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланади.

**Indian Express** газетаси ҳам Президентимиз ташрифини кенг ёритган. 1 октябрь сони бош саҳифасининг ярми ва учинчи саҳифаси тўлиқ ушбу давлат ташрифига бағишланган. Мазкур нашр ҳар куни 495 минг нусхада чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг сурати ҳамда ташриф жараёнларига оид маълумотларни эълон қилган. **«Ўзбекистон – Ҳиндистон: алоқалар мустаҳкамланмоқда»** сарлавҳали мақола жойлаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

«Обод қишлоқ» дастури – амалда










## Учсой қишлоғида янги ҳаёт

Бундан қарийб 30 йил муқаддам таниқли қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов қаламга олган Мўйноқ туманидаги Учсой қишлоғида бугун жўшқин ҳаёт қайтадан барқ ура бошлади.

Орол фожиасидан жиддий жабр кўрган ушбу чекка қишлоқ Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли замонавий ҳудудга айланмоқда.

– «Обод қишлоқ» дастурига Мўйноқдан иккита қишлоқ киритилди, – дейди Мўйноқ тумани ҳокими Сайлаубай Данияров. – Улардан бири Учсой қишлоғи. Ҳозир бу ерда катта қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Замонавий мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ врачлик пункти қад ростлади. Йўллар таъмирланди ва энг асосий муаммолардан бўлган ичимлик суви билан таъминланди. Кўчаларга ёритгичлар ўрнатилди.

Электр тармоқлари таъмирланиб, янги трансформаторлар ўрнатилмоқда. Дастур бўйича режага киритилган 2 газ тақсимлаш пункти ва 3,1 километр газ тармоғи ҳам таъмирланди.

Ҳудуддаги 6-умумтаълим мактаби ва 4-умумтаълим мактаби филиали таъмирдан чиқарилди. Келгусида оталар чойхонаси, маҳалла гузари, дўкон, кичик бозор ва ҳаммом қуриш режалаштирилган.

Мазкур ҳудудда жойлашган 5-«Оролча» мактабгача таълим муассасаси ўтган йили янги бинода фаолият бошлаган. Замонавий услубда барпо этилган муассасада кичкинтойларнинг ҳар томонлама соғлом камолга етиши учун барча шароит яратилган.

(Давоми 2-бетда)

## Дунё дизайн ва архитектура юлдузлари Тошкентда

Пойтахтимиздаги «Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонасида давом этаётган «UZBEKISTAN DESIGN & ARCHITECTURE WEEK 2018» архитектура ва дизайн ҳафталиги доирасида халқаро конференция бўлиб ўтди.

«Design House», «Home Interior» ҳамда «Premium Concept» компаниялари ва брендлари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда мартабали меҳмон сифатида архитектура ва дизайн оламида ном қозонган америкалик машҳур мутахассис Карим Рашид, россиялик таниқли дизайнер Диана Балашова, шунингдек, соҳада катта ютуқларга эришган Паоло Мерлин, Мануэль Нуньес-Яновский, Евгений Тюрин каби ўз ишининг усталари иштирок этдилар.

Хорижлик мутахассислар ҳафталикка ташриф буюрган аудитория – мамлакатимизда архитектура ва дизайн соҳасида фаолият кўрсатувчи етакчи компаниялар вакиллари, давлат идоралари ходимлари, мустақил ижодкорлар, шу йўналишда таҳсил олувчи талабалар учун мастер-класслар ўтказиб, уларни қизиқтирган барча саволларига жавоб беришди.

– «UZBEKISTAN DESIGN & ARCHITECTURE WEEK 2018» архитектура ва дизайн ҳафталигини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад – соҳа вакилларини бир жойга йиғиб, уларга ўзаро тажриба алмашишлари, ижодкорлик салоҳиятларини янада ривожлантиришлари учун шароит яратиб беришдан иборат эди, – дейди лойиҳа муаллифи «Design House» студияси раҳбари Любовь Сафронова. – Маълумки, деярли ҳар бир лойиҳа илҳомланишдан бошланади. Илҳом аслида нима? У қандай шаклланади? Қачон пайдо бўлади? Ҳафталик доирасида спикерлар ва аудитория иштирокчилари биргаликда ана шу саволларга жавоб излашга ҳаракат қилдилар.

Шу ўринда конференция қатнашчилари ҳафталик доирасида ташкил этилган кўргазмада архитектура ва дизайн соҳасида мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи йирик компаниялар, улар томонидан тақдим этилаётган хизматлар ва маҳсулотлар билан танишиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлганларини айтиб ўтиш жоиз.

– Ўзбекистонга келиб, бу ерда кўп ижобий ўзгаришлар рўй бераётганига гувоҳ бўлдик. Буни маҳаллий аҳоли юз-кўзида намоён бўлиб турган кўтаринки кайфиятдан ҳам билиш мумкин, – дейди испаниялик архитектор Мануэль Нуньес-Яновский. – Бундай ҳафталиклар ўзбекистонлик архитекторлар ва дизайнерларнинг жаҳон миқёсида соҳада рўй бераётган янгиликлардан воқиф бўлиши, шунингдек, ўзлари яратган ижод маҳсулларини дунёга намойиш этиш учун қулай шароит яратиб бериши аниқ. Айниқса, ҳафталикнинг энди анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиши мени қувонтирди.

(Давоми 4-бетда)












Visit Uzbekistan махсус нашри Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий салоҳияти ҳамда Ҳиндистон билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган.




# Ўзбекистон Президентининг ташрифи Ҳиндистон матбуоти нигоҳида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Материалларда икки томонлама муносабатлар таҳлили, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар суръати, мамлакатнинг Ҳиндистон сайёҳлари учун жозибадорлиги, маданий алмашувлар ва Ўзбекистонда «Хойчой» номли ҳинд фильмини суратга олиш жараёнлари, Агра ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш масалалари баён этилган. Хусусан, асосий мақолада ташриф доирасида икки томонлама ўнлаб ҳужжатлар имзоланиши кутилаётгани, Деҳлида ўтган Ўзбекистон – Ҳиндистон бизнес-форуми натижасида ONGC Videsh, Sun Group, Sharda Univervity каби компаниялар Ўзбекистонга сармоя киритишни режалаштираётгани ёзилган. Марказий Осиё билан муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Ҳиндистоннинг энг асосий шериги экани қайд этилган.

Ҳиндистон – Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари Анил Шастри билан суҳбатда маданий-гуманитар муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган. Анил Шастри Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларнинг мустаҳкамланишида янги саҳифа очишига ишонч билдирган.

Шунингдек, The Statesman, The Times of India, Daily News & Analysis, Millenium Post каби газеталар ҳам ташриф воқеаларини кенг ёритган.

Ҳиндистонда Президентимизнинг давлат ташрифига бағишлаб махсус нашрлар ҳам чоп этилди.

**Business opportunities of Uzbekistan** (Ўзбекистонда бизнес юритиш имкониятлари) деб номланган 70 саҳифали йўриқномада мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, мавжуд инвестициявий имкониятлар баён этилган. Ўн икки бўлимдан иборат нашрда «Нима учун Ўзбекистонга инвестиция киритиш керак?», «Макроиқтисодий кўрсаткичлар ва ташқи савдо», «Инфратузилма», «Агро-саноат мажмуаси», «Бозор», «Экспорт имкониятлари», «Бизнес юритиш бўйича Жаҳон банки рейтингида Ўзбекистоннинг ўрни», «Хорижий инвестицияларнинг кафолати ва ҳимояси», «Солиқ сиёсати», «Хорижий инвесторлар учун имтиёзлар ва преференциялар» каби мавзуларда мақолалар берилган. Алоҳида бобда «Ангрен», «Ғиждувон», «Ҳазорасп», «Жиззах», «Қўқон», «Навоий», «Наманган», «Ургут» эркин иқтисодий зоналари ҳамда фармацевтика зоналари ва улардаги истиқболли йўналишлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Ҳинд тилида нашр қилинган **«Ўзбекистон: Ҳаракатлар стратегияси. Жадал ислоҳотлар»** номли китоб Ҳиндистоннинг йирик Жамия Миллия университети билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, мазкур университет профессори, ўзбек тили кафедраси мудири Шаҳид Таслим томонидан ҳинд тилига таржима қилинган. Ўзбекистондаги «Тараққиёт стратегияси» маркази мақолалари асосида нашр этилган ушбу китобда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларига шарҳ берилган. Юздан ортиқ саҳифали китобда бугун юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, таҳлили ва шарҳи берилган.

**Business Central Asia журналининг махсус сони** Ўзбекистонга бағишланган. Мазкур журнал ҳар ойда 42 минг нусхада чоп этилади ҳамда мамлакатдаги расмий ва бизнес доиралар, дипломатик корпус ва халқаро ваколатхоналарга тарқатилади. Журналнинг махсус сонида муаллиф ва экспертлар Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар ҳақида ўз фикрмулоҳазаларини билдирган. Нашр, шунингдек, ташқи сиёсат, Ўзбекистон – Ҳиндистон муносабатлари шарҳи, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти, инвестициявий жозибадорлигига оид янгиликларни ҳам ўз ичига олган. Махсус сондан Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги нутқи ва Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарига Мурожаатномасига бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган.

Ҳиндистон – МДҲ савдо-саноат палатасининг **Business Magazine** журналидаги «Ўзбекистон ва Ҳиндистон: Савдо ва инвестициялар учун янги имкониятлар» сарлавҳали мақола Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг сурати билан чоп этилган. Нашр икки томонлама иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистондаги ўзгаришлар динамикаси, инвестициявий имкониятлар, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши, фармацевтика соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги каби маълумотларни ўзида акс эттиради.

**Visit Uzbekistan** махсус нашри Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий салоҳияти ҳамда Ҳиндистон билан ўзаро ҳамкорлигига бағишланган. Унда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, Ўзбекистон – Ҳиндистон маданий ҳамкорлигидаги асосий воқеаларга оид мақолалар, фоторепортажлар ва материаллар чоп этилган.

Ҳиндистоннинг Микро, кичик ва ўрта бизнес форумининг махсус нашри **«Ҳиндистон – Ўзбекистон бизнес ҳамкорлиги»** деб номланган. Унда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар баён этилади. Икки томонлама товар айирбошлаш, Ҳиндистон бизнесменларининг Ўзбекистондаги фаолияти, фармацевтика, ахборот технологиялари, эркин иқтисодий зоналарга инвестиция киритиш имкониятлари, сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар, логистика, виза тартиботлари тўғрисидаги материаллар рақамлар ва далиллар асосида ёритилган.

**Ҳиндистон саноат конфедерацияси (CII) томонидан чоп этилган Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги бизнес муносабатларга оид махсус нашрида** икки томонлама муносабатлар динамикаси, Тошкент ва Деҳлида ўтган ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, бизнес-форумлар, Ҳиндистон тадбиркорлари учун яратилган имкониятлар, Ўзбекистондаги бизнес муҳити ҳақида мақолалар, шунингдек, «Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 10 ислоҳоти» инфографикаси ўрин олган.

**CII Communique** Ҳиндистон саноат конфедерацияси журналининг сентябрь сонида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифига бағишланган мақолалар эълон қилинган. Жумладан, «Ўзбекистон ва Ҳиндистон: икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш сари» сарлавҳали мақолада ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар, Ўзбекистон иқтисодиёти, бўлиб ўтган бизнес-форумлар ва ишбилармон доиралар ҳамкорлиги динамикаси каби маълумотлар берилган.

**Political events** ҳафталик журнали 20-27 сентябрь сонларида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги алоқалар, Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатига бағишланган кенгайтирилган таҳлилий материалларни бериб борган. Журнал 2000 нусхада чоп этилади ҳамда таҳлилий ва академик марказлар, Ҳиндистон ҳукумат муассасалари, дипломатик корпусга тарқатилади.

Президентимизнинг давлат ташрифи Ҳиндистондаги бошқа оммавий ахборот воситаларида, телевидение кўрсатувлари, ижтимоий тармоқларда ҳам кенг ёритилди.

**ЎзА мухбири
Алоуддин ҒАФФОРОВ
тайёрлади.**



# Учсой қишлоғида янги ҳаёт

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Айни пайтда 50 нафар болани бағрига олган муассасада чет тили, тасвирий санъат, ашула ва рақс тўгараклари ташкил қилинган.

– Учсай портида бир пайтлар минглаб одамлар ишларди, – дейди «Учсай» овул фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Адилжон Бигелдиев. – Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб денгиз чекина бошлади. Одамлар ишсиз қолди. Шундан кейин қишлоқдан барака ариди. Ҳозир бу ерда денгизнинг қуриган тубидан газ қазиб олинмоқда. «Учсой» овул фуқаролар йиғини «Обод қишлоқ» дастурига киритилиб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Қишлоқ аҳолисининг аксарияти ота касбини давом эттириб, яқин жойлардаги кўлларда балиқчилик билан шуғулланади.

Собиқ Мўйноқ консерва заводи ўрнида эса кичик саноат зонаси ташкил қилиниб, қатор замонавий корхоналар барпо этилмоқда. Консерва заводи гуриллаб ишлаган йилларда ишлаб чиқариш қуввати йилига 21,5-22 миллион банкагача етган. Умуман, Мўйноқда 1890 йилдан бошлаб бир асрдан кўпроқ вақт давомида балиқ қайта ишланган. Корхона 1998 йил – фаолияти тугатилгунга қадар бошқа жойлардан келтирилган хомашё асосида ишлаб келган.

Орол денгизида бир пайтлар 200 га яқин денгиз кемаси ҳаракат қилган ва уларда 2 мингдан ортиқ балиқчи оила тебратган. Ҳозир булардан фақат ширин хотиралар қолган, холос.

Ҳудудда 235 хонадон бўлиб, уларнинг 17 тасида кадастр ҳужжати мавжуд бўлмаган, 7 хонадонда ноқонуний қурилишлар аниқланган. Бу каби масалалар бартараф этилди. Қишлоқдаги кўп қаватли турар жой ҳамда марказий кўча бўйидаги уйларнинг фасад қисми қайта таъмирланди.

**Ўз мухбиримиз.
ЎзА суратлари.**

Долзарб мавзу

# Беҳуда сарфланган табиий газдан ойига

## 3 миллион доллар зарар кўрилади!

Дейлик, кўнглингиз мева тусаб қолди. Хаёлингиздан шу фикр ўтиши билан деҳқон ё сотувчи «пулини топганда берарсиз», деб уни эшигингизга ташлаб кетадими? Ёки сотувчининг ёнига бориб, ҳақини бермасдан нон олиб кета оласизми? Эси жойида одам бу ишни қилмайди, ахир бу ўғирлик-ку, дейсизми? Жуда тўғри.

Унда нима учун электр, газ, сув каби табиий бойликлардан беминнат фойдаланамиз-у, ҳақини йиллар давомида тўламаслик мумкин, деб ҳисоблаймиз? Қават-қават данғиллама ҳовли қуришга, уни совутгич, музлатгич каби маиший техникалар, замонавий газ плиталари билан тўлдиришга пул топамиз, лекин уйимизни иситган, ёритган газ ва электр энергияси учун тўлашга шошилмаймиз? Аксинча, иложи бўлса, камроқ пул тўлаш, муроса йўлини қидирамиз? Фойдаланилган хизмат ҳақини тўламасликни оддий ҳол, деб ўйлаймиз?

Билган одам билади, газ жуда катта маблағ ва меҳнат эвазига олинадиган ресурс. Шундай бўлса-да, давлатимиз томонидан кўрилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли кейинги йилларда газ таъминоти анча изга тушиб қолди. Аммо аҳоли ўртасида газ истеъмоли бўйича қарзини тўлаш ўрнига назоратчига пул таклиф этиб, қарздорликни ноқонуний йўллар билан ўчирib юбориш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Натижада давлат бюджети катта зарар кўрмоқда.

«Ўзтрансгаз» жамиятидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг биринчи август ҳолатига юртимизда табиий газ билан газлаштирилган хонадонлар умумий сони 3 миллион 383 мингдан ошган. Шундан 2 миллион 580 минг 765 хонадонга газ ҳисоблагич ўрнатилган ва қарийб 803 минг хонадон газ ҳисоблагичсиз табиий газдан фойдаланмоқда.

Барчамизга маълумки, қиш мавсумида яқинларимиз хонадонига хизматчилик юзасидан ёки меҳмонга борилганида, ҳар ўнта хонадондан биттасида табиий газ беҳуда ёниб турганига гувоҳ бўламиз ва бунга табиий ҳолдек қараймиз. Ушбу ҳолат асосан газ ҳисоблагич ўрнатилмаган хонадонларда кўплаб учрайди.

Буни оддий арифметакага солиб рақамлар билан таққосласак, газ ҳисоблагич ўрнатилмаган биргина хонадондаги газ плитасининг битта камфоркасида газ беҳуда ёниб турса, соатига ўртача 0,2 метр куб бўлади. Бу 803 минг хонадоннинг 83 мингтасида соатига ўртача 17 минг метр куб газ исроф бўлди ёки самарасиз ёниб кетди, дегани. Ана энди бу кўрсаткични бир кунда 398 минг метр кубдан ортиқ деб ҳисобласак, ойига ўртача 11 миллион 952 минг метр кубдан ортиқ газ шунчаки ҳавога совурилаётгани аён бўлади.

Энди мазкур маҳсулотнинг 1000 метр куби хорижга 300 долларга экспорт қилиниши, аҳолига эса 289 минг сўм эвазига етказиб берилаётгани инобатга олинса, қанча зарар кўрилаётганини ҳисоб-китоб қилиш қийин эмас. Шу йўл билан ҳар ойда ҳавога учиб кетаётган қарийб 12 миллион метр куб газ баҳоси 3 миллиард 454 миллион сўмдан зиёд бўлиши, дунё бозорида эса 3 миллион доллардан ошиши зарар миқдорини янада ойдинлаштиради.

Шу ўринда «зангори олов»нинг қўшни мамлакатларда баҳоси қанча экан, деган савол туғилади. Чунончи, Қирғизистонда бир куб газ бизнинг пулга 1630, Қозоғистонда 530, Россияда 741 сўмга тўғри келар экан. Ваҳоланки, мамлакатимизда Президентимиз қарорига мувофиқ, аҳоли хонадонларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бир куб газ 289 сўм этиб белгиланган! Халқимизнинг «Ўтин ёрмаганга ўтин ёқтирма» деган мақоли бежиз айтилмаган экан-да-а!?

Хўш, аҳолининг суюлтирилган газ билан таъминланиши борасидаги ҳолат қандай?

Бугунги кунда юртимизда 3,1 миллион аҳолига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Турли ўлчамдаги баллонларда етказиб берилаётган бундай турдаги бир кило, яъни 2,0 литр атрофидаги газ учун 1000 сўмдан кам нарх белгиланган. Ваҳоланки, хусусий суюлтирилган газ қўйиш шохобчаларида 1 литр суюлтирилган газ 2500-3000 сўмни ташкил этади. Демак, аҳоли ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоя қилинаётир.

Аслида газни хомашё ҳолида аҳолига етказиб бергандан кўра, уни қайта ишлаб электр энергияси олинса, ёки автомобилларга етказиб берилса, давлатга кўпроқ фойда келтиради. Биз орзу қиладиган Европа давлатларида ҳам аҳоли биздаги каби газ билан таъминланмаган. Уларда газ хомашёсидан электр энергияси ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилади, яъни бир сўз билан айтганда, даромад манбаидир.

Ҳаммамизни ўйлантирадиган соҳадаги ўғрилик ва коррупциянинг асл сабабини балки шу ердан, яъни табиий газнинг арзонлаштирилган нархларда сотилаётганидан излаш керакдир? Энди бу ёғи «қилни қирқ ёрадиган» мутахассисларнинг иши.

Мутахассислар, агар тежамкорлик билан ишлатилса, ҳар бир истеъмолчига йилига ўртача 3 минг куб метрдан ортиқроқ табиий газ тўғри келишини айтишади. Биз эса, бундан бир неча марта кўпроқ газни сарфлаймизу, пулини тўлагимиз келмай юрибди. Зеро, турмушимизни енгиллаштирадиган беминнат дастёр, бебаҳо бойлигимиз – «зангори олов» энг олис қишлоқдаги ҳар бир уйгача етиб боришини истасак, ундан тежамкорлик билан фойдаланишимиз шарт эмасми?

Бунинг учун бизда кўп юртларнинг аҳолиси орзу қиладиган шундай табиий неъматдан фойдаланиш маданияти шаклланган бўлиши керак. Истеъмолчи маданияти юртимизнинг бугунги тараққиёти ва истиқболига бўлган муносабатимизни белгилайди.

**Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.**

# Миллат генофондига дахлдор масала

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Э. Боситхонованинг вазирлик тизимида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Вазир ўринбосарининг маълумотига кўра, жорий йилнинг ўтган 8 ойида «Она ва бола скрининг» марказлари томонидан 214 минг 237 нафар хавфли гуруҳга кирувчи ҳомиладор аёл тиббий текширувдан ўтказилган. Уларнинг 3 минг 391 нафарида туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар билан ривожланаётган ҳомила аниқланган. Ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида тегишли чоралар кўрилди.

238 мингдан ортиқ чақалоқ гипотиреоз ва фенилкетонурия каби туғма ва ирсий касалликлар ташхиси билан текширилиб, касаллик аломатлари аниқланган болалар давлат томонидан бепул дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминланмоқда.

Ҳудудлардаги кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида аёллар маслаҳатхоналари ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида қизлар саломатлиги марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Туман, шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларида ҳомиладор аёлларни бирламчи скрининг текширувидан ўтказиш учун перинатал ташхис хоналари ташкил этилган.

Тадбирда миллат генофондини асраш, соғлом авлодни вояга етказиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, соҳада бир қатор камчиликлар мавжудлиги таъкидланди.

Мамлакат миқёсида оналар ўлими қисман камайган бир пайтда Навоий, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида бу кўрсаткич юқорилигича қолаётир. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи эса, Андижон ва Хоразм вилоятларида ўзгармай қолмоқда.

Тадбирда амбулатор-поликлиника муассасалари билан туғруққа ёрдамлашиш муассасалари ўртасида ўзаро алоқа етарли йўлга қўйилмаганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, аёллар маслаҳатхоналаридан туғруқ учун аёл ёки ҳомиланинг саломатлик даражасига кўра тўғри йўналтирилмаслиги, туғруқ муассасаларида бунга эътибор қаратилмаслиги ачинарли ҳол.

Депутатларнинг фикрича, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун амбулатор-поликлиника муассасалари билан туғруққа ёрдамлашиш муассасалари, шунингдек, турли босқичдаги туғруққа ёрдамлашиш муассасалари фаолиятини ўзаро интеграциялашган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Эшитув якунида оилалар, оналар ва болалар саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаб, даволаш, болалар ногиронлигини камайтириш, оналар ва гўдаклар ўлимининг олдини олиш юзасидан билдирилган таклиф-тавсияларни инобатга олган ҳолда, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Даврон СУННАТОВ,
ЎзА мухбири.**

Оила – тинчлик ва тараққиётнинг асосий негизи. Унинг фаровонлиги бевосита мамлакат келажаги билан боғлиқ.

# Ижтимоий сўровнома: оилалар тотувлигига хизмат қилади

Мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганига қарамай, ҳамон салбий ҳолатлар учраб турибди. Ягона ечим эса муаммоларнинг сабабларини ўрганиш ва ечим топишнинг энг самарали усулларини қўллашдир.

Шу мақсадда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорликда республика бўйлаб «Ёш оилалар турмуши давомида кенг учрайдиган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказмоқда.

Унда 30 ёшгача бўлган оилали, оиласидан ажрашган эркак ва аёллар, ажралиш ёқасида турган ёш оилалар вакиллари, банд бўлган ва вақтинча ишсиз ёшлар, меҳнат мигрантлари иштирок этмоқда.

Сўровнома натижасига кўра ёш оилалар турмуши давомида кенг учрайдиган муаммолар илмий тадқиқ этилади ва уларга ечим топиш бўйича тавсиялар тайёрланади.

**Гулчеҳра АШУРОВА,
ЎзА.**

Тиббиёт

# Қувада замонавий клиника

Фарғона вилояти Қува туманида «Med doktor Arslonov» тиббий диагностика маркази иш бошлади.





Марказ очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада яхшилашга устувор аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида бозор иқтисодиёти муносабатларини татбиқ этиш асосида нодавлат даволаш муассасаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисосликлар 50 тадан 126 тага кўпайтирилди. Хусусий клиникаларга давлат томонидан қатор молиявий имтиёзлар берилмоқда. Бундан ташқари, лицензия олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 20 кунга қисқартирилди, лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 5 бароба- ригача камайтирилди. Бу каби имтиёз ва имкониятлар энг чекка ҳудудларда ҳам хусусий тиббиёт мусассасаларини ривожлантиришга, тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Мазкур мажмуа қурилишига 2,2 миллиард сўм ва 156 минг доллар маблағ сарфланди. Бу ерда 41 та стационар даволаниш хонаси бўлиб, болалар неврологияси, гастроэнтерология, ички касалликлар ва бошқа хасталикларни аниқлаш, сифатли ташхис қўйиш, даволаш учун барча замонавий моддий-техник имкониятлар етарли.

– Марказимиз энг замонавий русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган, – дейди «Med doktor Arslonov» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зафаржон Асқаров ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Шифокорларнинг барчаси олий тоифали, аксарияти хориждаги даволаш муассасаларида малака оширган. Марказда 21 киши иш билан таъминланди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хусусий тиббиёт муассасаларига четдан олиб келинадиган янги тиббий асбоб-ускуналар учун божхона имтиёзлари берилгани айни муддао бўлди. Яратилаётган бундай шароитлар хусусий тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш имконини бераётир.



Термиз шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида Султон Саодат номи билан машҳур меъморий ёдгорликлар мажмуаси мавжуд. Мустақиллик йилларида обод ва кўркам гўшага айланган қадимий обида зиёратчилар билан ҳамиша гавжум.

Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа

# Электр энергияси таъминотидаги муаммоларни қандай бартараф этиш керак?

Жиззах вилоятида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, хусусан, коммунал хизматларни тўғри ташкил қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Буни Ғаллаорол туманида аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Кейинги икки йилда қишлоғимизда жуда кўп ўзгаришлар бўлди, – дейди туманнинг Муқири қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Мавлон Турдиев. – Жумладан, электр энергияси таъминоти яхшиланди. Илгари ток тез-тез ўчиб турарди. Электр тармоқлари идорасидан бунинг сабабини сўрасак, «чеклов бор, ҳамма қишлоқлар навбат билан ўчирилади», деган жавоб эшитардик. Одамларнинг «йўқ электрга тўлов талаб қиляпсан» деган эътирозлари билан юзага келадиган баҳс-тортишувлар оддий ҳолга айланган эди. Мана, чироқ ҳам ўчмаяпти, тўлов ҳам тартибга тушди.

Бу ўзгариш фақат Муқири қишлоғида эмас, ҳамма жойда шундай. Энди бемаҳал чироғи ўчадиган қишлоқ йўқ. Аҳолининг электр энергиясидан қарздорлиги ҳам камаймоқда.

Бу ўзгаришлар «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятининг Ғаллаорол туман филиали фаолияти билан бевосита боғлиқ. Тумандаги 25 мингга яқин хонадоннинг чироғи ўчмаслигига масъул бўлган филиалнинг 80 га яқин ишчи-хизматчиси аҳоли хонадонлари ва корхона-ташкилотларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилаётир.

Давлатимиз томонидан халқ хўжалиги ва аҳоли эҳтиёжи учун энг зарур неъмат – электр қувватининг узлуксиз бўлишини таъминлашга қаратилаётган эътибор туфайли соҳани техник-технологик модернизация қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотлар самараси истеъмолчилар билан ишлашда бирламчи ва асосий бўғин бўлган электр тармоқлари корхонасининг туман филиаллари фаолиятида айниқса, яққол акс этаётир.

– Тўғрисини айтганда, асосий ишимиз қолиб, ҳаммамиз уйма-уй юриб тўловни ундириш билан шуғулланар эдик, – дейди филиал бош муҳандиси Ўктам Бердиқулов. – Вақтида профилактик кўрикдан ўтказилмаган станциялар ва трансформаторларда, таъмирланмаган узатиш тармоқларида носозликлар кўпайиб кетган эди. Эндиликда тўлов ҳисоб-китоби билан мажбурий ижро бюроси ходимлари шуғулланмоқда. Айни пайтда электр тақсимлаш пунктларига, узатиш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш, истеъмолчилар билан ишлаш тартиби тубдан ўзгарди. Натижада истеъмолчилардан тушаётган норозиликлар кескин камайди.

Жамоа вилоят электр тармоқлари корхонаси кўмаги ва ўз имкониятидан келиб чиқиб, куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрди. Жумладан, 29 та трансформатор пункти мукаммал таъмирланди. 21 миллион 537 минг сўмликдан зиёд захира материаллар ва эҳтиёт қисмлар олинди. 60 километрдан зиёд паст кучланишдаги ҳаво тармоқлари, станциялардан чиқувчи 61 километрдан ортиқ узатиш тармоқлари жорий таъмирланди.

Қиш мавсумида алмаштириш зарур бўлган жиҳоз ва материаллар захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавсум учун етарли трансформатор мойи захирага қўйилди. Мавсумни беталафот ўтказиш, истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида корхона мутахассислари ва электриклардан иборат тезкор бригада ташкил этилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида тармоққа ноқонуний уланишлар, текширилмаган, ностандарт электр ускуналаридан фойдаланиш ҳолларини бартараф этишга асосий эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда аҳоли ўртасида электр энергиясидан фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш юзасидан суҳбатлар, рейдлар ўтказилмоқда.

Тўғри, қаттиқроқ шамолга электри ўчиб қоладиган қишлоқлар, фойдаланиш муддати ўтган симёғочлар ҳали-ҳамон бор. Бу тизимда амалга оширилаётган техник-технологик модернизация қилиш ишлари истеъмолчилар талаби даражасида эмаслигини кўрсатади. Шу боис жамоа саъй-ҳаракатларига қармай, қиш кунларида узатиш тармоқларида узилиш бўлмаслигига кафолат йўқ.

– Ишимизни бугунги талаб мезонларидан олиб қараганда, моддий-техник базамиз анчагина ночорлиги сезилиб қолмоқда, – дейди «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ Ғаллаорол тумани филиали раҳбари Ойбек Султонов ЎзА мухбири Тошқул Бекназаров билан суҳбатда. – Истеъмолчилар сони ўсиши билан таққослаганда, энергия таъминоти тизимини модернизация қилиш суръати суст. Бутун туманга хизмат кўрсатиш учун биттагина «Дамас» русумли автомашинамиз бор. Узатиш линиялари тепасига етадиган автокран, махсус техник автомашинага эҳтиёж бор. Бу техникаларни зарур пайтда бошқа ташкилотлардан олиб ишлатишга мажбурмиз. Замонавий трансформаторлар ўрнатиш, тақсимлаш, хизмат кўрсатиш тизимини технологик янгилаш зарур.

Тан олиш лозим, бу муаммоларни туманнинг ўзида ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг шу пайтгача ҳал этилмай келинаётгани эса «Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖнинг ҳам имкониятлари етмаётганини кўрсатиб турибди. Бу камчиликлар ҳам яқин йилларда бартараф этилишига ишонамиз.

Сурхондарё – ҳаётини муқаддас ислом динини тарғиб этишга, диний ва дунёвий илм-фан ривожига бағишлаган Ҳаким Термизий, Варроқ Термизий, Исо Термизий каби буюк алломаларга бешик бўлган замин. Қадимдан бой маданият ва маърифат ўчоғи сифатида танилган воҳада кўплаб азиз-авлиёлар, уламо ва фузалолар мангу қўним топган.

# Пайғамбаримиз авлодлари мақбараси

Айни пайтда маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар улуғ зотлар хоки қўйилган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишга ошиқаётгани бунинг ёрқин далилидир. Айниқса, кейинги йилларда воҳадаги зиёратгоҳларда амалга оширилаётган кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари сайёҳлар учун замонавий шароитлар яратиш, зиёратчилар оқимини кўпайтиришга хизмат қилмоқда.

Термиз шаҳрининг шимоли-шарқий қисмида Султон Саодат номи билан машҳур меъморий ёдгорликлар мажмуаси мавжуд. Мустақиллик йилларида обод ва кўркам гўшага айланган қадимий обида зиёратчилар билан ҳамиша гавжум. XVII-X асрларда қад ростлаган мажмуа 20 га яқин мақбарадан иборат. Пештоқ ва гумбазли чорсу хонали салобатли иморатлар ўз даврида юксак дид билан безатилган.



Манбаларда қайд этилишича, сўлим ва сокин бу гўшада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг қизлари Фотима онамизнинг набираси Ҳасан ал-Амир мангу қўним топган. Бу улуғ зот Термиз саййидларининг султони бўлган.

– Ҳасан ал-Амир ўз яқинлари билан Самарқандга кўчиб келган, – дейди вилоят туризмни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси З. Алимардонова. – Бу ерда ўн бир йил яшаб, Балхга кўчади. Тахминан 865 йилда Термизга келиб, яшаб қолган. Вафот этгач, шу ерда дафн этилган. Асрлар давомида ушбу мўътабар зотнинг авлодлари учун ҳам бу ерда маҳобатли мақбаралар қурилган. Эндиликда меъморий обида мамлакатимиз ва хорижлик сайёҳлар кўп келадиган масканлардан бирига айланди. Улар пайғамбаримиз авлодларининг хокини зиёрат қилиб, руҳан қувват олади. Аждодларимиз томонидан турли асрларда яратилган бўртма равоқлар, сержило нақш ва тўлқинли ганч безаклари асосида юксак дид билан ишланган нафис меъморлик санъатидан баҳраманд бўлади.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, IX асрда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Термиз саййидлари хонадони шаклланган. Марказий Осиё саййидларининг кўпчилиги ўз келиб чиқиш тарихини шу хонадон билан боғлаши бежиз эмас. Китобларда давлат бошқаруви ва низомида, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур салтанати ривожида Термиз саййидларининг алоҳида хизмати борлиги таъкидланган. Соҳибқирон Ҳиндистонга юришлари чоғида ҳамиша Термиз саййидлари хонадонида тўхтаб, меҳмон бўлгани қайд этилган. Яна бир манбада Амир Темур Термиз саййидларига алоҳида ҳурмат рамзи сифатида Султон Саодат мажмуасининг бир қисми ҳисобланган хонақоҳ ҳам бунёд эттиргани, лекин ноёб иншоот бизнинг давримизгача сақланиб қолмагани ёзилган.

Бой тарихимизни, маданиятимизни, хусусан, меъморлик санъатимизни ўзида мужассам этган мазкур мақбаралар мажмуасини бир бор бўлса-да, кўриш, зиёрат қилишни орзу қиладиганлар кўп. Чунки, бунинг ҳам ўзгача гашти бор.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Махсус чиқинди қутилари ўрнатилади

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Бу ҳақида Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» канали маълум қилди.

Қарорга мувофиқ, санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди.

Унга кўра, ҳудудлар, бинолар ва иншоотларнинг қаттиқ маиший чиқиндилар билан (шиша, резина, қоғоз, пластмасса, ёғоч чиқиндилари ва бошқа) ифлосланишининг олдини олиш мақсадида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган махсус чиқинди қутилари ўрнатилади.

Бундан ташқари, мазкур қарор билан вақтинчалик савдо дўконлари, шу жумладан, кўчма шохобчаларга (озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ва умумий овқатланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш палаткалари, дўкончаларига) туташ ҳудудларда – 5 метр радиусгача кўтариш механизмли ёки уларни бўшатиш учун алмаштириладиган челакларга эга бўлган кўчма чиқинди қутиларининг ўрнатилиши белгиланган.

Фаолият юритаётган чиқинди тўплаш шохобчаларини бузиш ишлари уларнинг ўрнига янгилари қурилгандан сўнг амалга оширилади.

Шунингдек, чиқинди тўплаш шохобчалари турар жой биноларининг деразалари, болалар муассасалари участкаларининг чегараси, дам олиш жойларидан 20 метрдан кам бўлмаган ва 100 метрдан узоқ бўлмаган масофада жойлаштирилади.

Ҳудудларнинг дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришда ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари, барглар ва бошқалар) билан бир суткадан ортиқ ифлослантирилишига йўл қўйилмайди.

Қарорга мувофиқ, қаттиқ маиший чиқиндиларни алоҳида тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун тўрт турдаги контейнерлар ўрнатилади:

– қайта ишланадиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун – кўк ранг;

– органик қаттиқ маиший чиқиндилар (озиқ-овқат ва бошқа биологик чирийдиган чиқиндилар) учун – жигарранг;

– қайта ишланмайдиган қаттиқ маиший чиқиндилар учун – кулранг;

– хавфли маиший чиқиндилар учун – тўқ сариқ ранг.

**ЎзА.**

# Янги завод қурилиши бошланди

«ЕВРОЦЕМЕНТ груп» холдинг компанияси таркибига кирувчи «Оҳангаронцемент» корхонаси базасида қад кўтараётган янги қуруқ усул билан цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган, йиллик қуввати 3 млн тоннага тенг завод қурилишига тайёргарлик ишлари якунланди.



Қурилиш жадал суръатга ўтди ва қурилиш майдони кенг кўламдаги ишларга тайёр бўлди. Шу билан бирга корхонанинг амалдаги қувватида маҳсулот ишлаб чиқариш тўла ҳажмда давом этмоқда. Бу эса истеъмолчиларни юқори сифатли цемент билан тўла таъминлаш имконини беради.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, «Оҳангаронцемент» амалдаги ва қурилажак заводлари барқарор ишлаши учун ўз энергетик инфратузилмасини янгиламоқда. Хусусан, мавжуд технологик линия учун янги авлод подстанцияси ўрнатилди. Қурилаётган янги завод учун ҳам ана шундай подстанция қурилиши бошланмоқда. Транспорт тизими модернизация қилинмоқда. Жумладан, транспорт кириш йўлларини қуриш ва юкларни етказиб бериш логистикасини оптималлаштириш учун божхона омбори яратилмоқда.

Бугунги кунда қурилиш майдони ер ости коммуникацияларидан тозаланиб, ҳудуддаги яроқсиз конструкциялар демонтаж қилинди. Инфратузилмалар йўлга қўйилиб, махсус техникалар олиб келинди. Майдон кенг қамровда ўрганиб чиқилгандан сўнг, келажакда қурилажак завод пойдевори учун ҳандақ тайёрлаш бошланди. Қурилиш ишлари 2019 йилда авж паллага кириши ва 2020 йилнинг охирида завод ишга туширилиши режалаштирилган.

Янги корхона Марказий Осиёдаги энг йирик цемент завод бўлади ва асосан Европада ишлаб чиқарилган юқори технологик ускуналар билан жиҳозланади. Пудратчи сифатида цемент машинасозлиги ва цемент ишлаб чиқариш соҳасида дунёда етакчи бўлган CNBM саноат гуруҳи танлангани «ЕВРОЦЕМЕНТ груп»га Ўзбекистон ҳудудида жаҳон цемент саноатининг энг самарали ва замонавий корхоналаридан бирини яратишга имкон беради.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2017 йилнинг кузида «Оҳангаронцемент» АЖ ва Хитойнинг CNBM саноат гуруҳига кирувчи Beijing Triumph International Engineering Co. ўртасида қиймати 150 млн долларни ташкил этувчи шартнома имзоланган эди.

Лойиҳани амалга ошириш рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиётнинг энергия сарфини камайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни жорий этишга ёрдам беради.

**Ўз мухбиримиз.**


## Тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига ТИФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖ МЧЖнинг 2018 йил 4 октябрдаги 1312-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулклар чиқарилган:

1. Навоий вилояти, Хатирчи туманида жойлашган «Марказий деҳқон бозори»нинг икки қаватли мажмуаси. **Умумий майдони** – 6 318,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 1 305,92 квадрат метр, 1 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 3 498 508 000 сўм.

2. Жиззах вилояти, Ш. Рашидов туманида жойлашган «Учтепа деҳқон бозори»нинг икки қаватли мажмуаси. **Умумий майдони** – 6 498 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 924,13 квадрат метр, 4 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 2 092 212 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 7 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 13 октябрь ва 20 октябрь кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган санадан бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган санадан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини закалат келишувига асосан «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй.

**Телефонлар:** 71-228-80-27, 71-228-80-26.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001 рақамли лицензия.*

## Тадбиркор ва сармоядорлар диққатига!

## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

### Андижон вилояти филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиали томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига ТИФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖга тегишли Андижон вилояти, Асака туманида жойлашган «Асака деҳқон бозори»нинг икки қаватли мажмуаси чиқарилмоқда. **Умумий майдони** – 3 666,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 2 846,8 квадрат метр, 5 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 7 275 354 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 6 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб Андижон шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй (**мўлжал:** Нашриёт биноси, «Андижоннома» газетаси таҳририяти ёнида) манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 12 ноябрь ва 19 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган санадан бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган санадан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини закалат келишувига асосан «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 1049 2060 9005 АТБ «Савдогар» Андижон шаҳар филиали МФО 00081 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Андижон шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 71-уй (**мўлжал:** Нашриёт биноси, «Андижоннома» газетаси таҳририяти ёнида).

**Телефонлар:** 74-223-08-52, 74-223-08-53, 74-223-08-54.

**Электрон почта:** andkms@inbox.uz, kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001 рақамли лицензия.*

Пойтахтимиздаги «Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонасида давом этаётган «UZBEKISTAN DESIGN & ARCHITECTURE WEEK 2018» архитектура ва дизайн ҳафталиги доирасида халқаро конференция бўлиб ўтди.

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Конференция доирасида «UZBEKISTAN DESIGN & ARCHITECTURE WEEK 2018» ҳафталигининг энг машҳур меҳмони Карим Рашид ўзи ҳақида гапириб берар экан, ҳаёти давомида катта қийинчиликларни бошидан кечиргани, архитектура ва дизайн соҳасида ютуқларга эришгунича асосий эътиборни устозлари маслаҳати билан ўз устида ишлашга ва кўп ўқишга қаратганини таъкидлади. Талабалардан бирининг Ўзбекистон шаҳарлари, жумладан, Тошкент қиёфасини янада яхшилаш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида берган саволига жавобан «ҳар бир ҳудуд бошқа ҳудудлар хусусиятларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятга эга бўлиши зарур»лигини айтиб ўтди. Шайхларидан бири ўз автомашинасида қирғоқ бўйлаб кетаётганида денгизда чўмилиб, Дубай яқинидаги соҳил қумларида тобланиб ётган германиялик сайёҳларни кўриб қолади. Уларнинг мазкур ҳудуд ҳақидаги фикри билан танишганидан сўнг, уйга борганида боғида ўсувчи апельсин дарахти турли хил ҳашаротларни ўзига жалб этаётганининг гувоҳи бўлади. Ушбу вазиятдан тўғри хулоса чиқарган шайх ҳамкорлари билан биргаликда қирғоқ бўйида дам олиш масканларини барпо эта бошлайди. Айни кунда туризм Дубай амирлиги иқтисодиётининг асосини ташкил этмоқда.

Тадбир давомида дунёга машҳур архитектура ва дизайн юлдузи Карим Рашид томонидан мамлакатимиз ва бошқа давлатлардан келган мутахассислар учун мастер класс ўтказилди.

# Дунё дизайн ва архитектура юлдузлари Тошкентда









– Айтайлик, АҚШга келган сайёҳ Катта каньонни кўриш пайида бўлади. Аммо шундай хусусият бўлмаса, уни яратиш керак, – деди нью-йорклик дизайнер. – Масалан, канадалик архитектор Фрэнк Герининг саъй-ҳаракатлари билан 1997 йил Испаниянинг Бильбао шаҳрида Гуггенхайм музейи биноси барпо этилди. Ўзига хос услубда қурилган мазкур иншоот кўпчиликда катта қизиқиш уйғотгани сабабли Бильбао Испаниянинг туристлар энг кўп келадиган шаҳарларидан бирига айланди. Маълумотларга кўра, ўша музейни кўриш учун Бильбаога бир йилда 3,8 миллион нафар сайёҳ ташриф буюрар экан. Қозоғистоннинг Астанаси ҳам пойтахт, деб эълон қилинишидан аввал мўъжазгина шаҳарча эди. Ҳозир у ҳавас қилса арзигулик йирик шаҳарга айланган. Яна бир мисол, ўтган асрнинг 60-йилларида араб

– Дизайн инсон ҳаётини янада гўзал қилувчи муҳим омилдир, – дейди Карим Рашид маҳорат дарсида. – Яхши дизайн ташқи оламни гўзал қилиш баробарида кишиларга завқ улашади. Ҳар бир нарса хоҳ у катта, хоҳ кичик бўлсин оригинал дизайнга эга бўлмоғи зарур. Бу мазкур маҳсулотнинг сифатидан ташқари алоҳида муҳим хусусияти бўлади. Ҳаттоки, маҳсулот (савдо белгилари) ва хизматларнинг машҳур бўлиши ёхуд касодга учрашида ҳам унинг дизайни муҳим аҳамият касб этади. Яъни, дизайн буюм ва хизматлар маркетингига жиддий таъсир кўрсатади. Дизайн ранглар ва шакл уйғунлиги, жой, майдон, миллий ўзига хослик ва бошқа кўплаб муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш талаб этиладиган ҳаракат демакдир. Дизайн мукаммал қулайликни таъминлашга хизмат қилмоғи зарур. Сиз тайёрлаган дизайн асосида ишланган буюм ёки жиҳоз у жой оладиган ерга ҳам гўзаллик бахш этсин. Масалан, ошхона дизайни ҳақида тўхталсак. Бу хонадаги кўркамлик, ҳар бир жиҳознинг рангидан тортиб, уларнинг жойлашишига қадар ўзига хос бўлиши керак. Бу уйғунлик кишиларнинг дилини очадиган, ёқимли иштаҳа бахш этиши, ошпазга илҳом бериши даркор. Ётоқхона дизайнида эса кишига ором, хотиржамлик, тинчлик берувчи омиллар устувор саналади.

– Мазкур ҳафталик биз учун катта қувонч бахш этди, – дейди Тошкент шаҳридаги «Vertex Design» студияси раҳбари Гуллола Муҳамедалиева. – Айниқса, АҚШ, Италия, Россиядан ташриф буюрган дунёга машҳур мутахассисларнинг маҳорат дарслари ёш дизайнер ва архитекторларимизга ўз фаолиятларини ривожлантириш, билим ва кўникмаларини янада шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Тадбирда олган янгиликларимиз шундан иборатки, бу ерда ривожланган давлатлар мутахассисларидаги дадиллик, ҳамиша олға интилиш, ҳаракатчанлик каби хислатлари, орзуга эришиш йўлида эътибор қиладиган жиҳатлари ҳақида ўргандик. Шаҳарсозлик бўйича ҳам кўплаб яхши таклифлар олдик. Янги келишувларга эришдик. Хусусан, менга италиялик ҳамкасбларимиздан ушбу давлатга ташриф уюштириш борасида таклифлар бўлди.

Ҳафталик бугун ўз ишини якунлайди.

**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,**
**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбирлари.**

## МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:



**Карим Рашид** – таниқли саноат дизайнери. 2 500 дан ортиқ мебель, идишлар, аксессуарлар, қадоқлар, ёритиш мосламалар, фурнитура дизайни, шунингдек, интерьер ва инсталяциялар бўйича тайёрланган ишланмалар ҳамда бошқа меъморий лойиҳалар муаллифи. 1993 йилда Нью-Йоркда ўз студиясини очган Карим Рашиднинг мижозлари кескин равишда кўпая бошлайди. Жумладан, у Нью-Йорк ва Токиодаги ресторанларни, Лондон, Афина ва Лос-Анжелесдаги меҳмонхоналарни безайди, бутиклар, кўргазмалар, ва телеканаллар студиялари интерьерларини ишлаб чиқади. Уч юздан ортиқ мукофот ва унвонлар соҳиби бўлган Карим Рашиднинг ишлари Нью-Йоркдаги Museum of Modern Art, Монреалдаги Musee des Arts Decoratifs, Токиодаги Tokyo Gas каби музейларга қўйилган.



**Мануэль Нуньес-Яновский** – испаниялик архитектор, урбанизм йўналиши вакили, Испания Нафис санъат қироллик академияси аъзоси. 1942 йил 20 июнь куни Самарқанд шаҳрида туғилган. Йиллар давомида Taller de Arquitectura, Les Ateliers de Grand Hornu, MNY, SADE архитекторлик компаниялари (жамиятлари) вакили ва ҳамкори сифатида Испания, Франция, Жазоир, Бельгия, Франция, Либерия, Голландия, Германия, собиқ иттифоқ давлатларида бир қатор маъмурий ҳудудларнинг архитектуравий ва шаҳарсозлик концепцияларини ишлаб чиқади, ижтимоий бинолар, резиденциялар лойиҳаларини тайёрлайди. Йиғма темир-бетон технологияларининг янги авлодини ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланади.

# Самые невероятные лифты в мире

Иногда путь к месту назначения намного интересней самого места, куда вы добирались. Зачем идти по ступенькам, когда можно взять лифт и насладиться удивительными видами огромного аквариума, например, или высокой скалы.

Вот самые удивительные лифты мира, которые могут вскружить вам голову: какой лифт самый высокий?

**Лифт Байлун, Чжанцзяцзе, Китай**



Название лифта переводится с китайского как «Лифт ста драконов». Он является самым высоким внешним лифтом на Земле. Туристы поднимаются с его помощью на высоту 360 метров, где их ждет смотровая площадка, находящаяся на вершине горы.

Лифт считается одной из главных достопримечательностей национального парка Чжанцзяцзе, который входит в список Всемирного наследия ЮНЕСКО.

Стоит отметить, что лифт состоит из 3 двухэтажных кабин. За один раз каждая кабина способна поднять или спустить около 50 пассажиров. Но, чтобы воспользоваться этим лифтом, вам придется простоять в очереди до 4 часов.

Интересно также отметить, что Лифт Байлун несколько раз становился участником Книги рекордов Гиннеса. На данный момент он является самым большим грузоподъемным лифтом, самым высоким двухэтажным лифтом и самым быстрым пассажирским лифтом с самой большой грузоподъемностью.

**БОЛЬШОЙ ЛИФТ**

**Лифт Хамметшванд (Hammetschwand), Курорт Бургеншток (Bürgenstock), Швейцария**



В Бургенштоке есть красивое Люцернское озеро, и чтобы в полной мере насладиться его красотой и красотой его окрестностей, в 1905 году здесь был построен лифт.

В то время скорость перемещения кабинки лифта была всего 1 метр в секунду. Сегодня лифт двигается со скоростью 3,7 метров в секунду, и способен поднять вас на высоту 153 метра меньше, чем за 1 минуту.

Стоит отметить, что лифт Хамметшванд – самый высокий наружный лифт в Европе.

**Лифт в Воротах Запада, Арка в Сент-Луисе, штат Миссури, США**



Этот мемориал был спроектирован архитектором Ээро Саариненом в 1947 году. В самой высокой точке, арка достигает отметки в 192 метра, что также равно ширине её основания.

За четыре года до конца строительства арки умер ее архитектор, но незадолго до этого он успел изменить конструкцию арки, и добавил в нее лифт, который существенно упрощал посетителям подъем. До этого им приходилось преодолевать 1 000 ступенек на вершину мемориала.

Каждый год арку посещает около 4 миллионов туристов.

Интересный факт: несколько лифтостроительных компаний не смогли подобрать нужный вариант лифта, который бы подошел строению столь необычного размера.

Тогда архитектор нанял инженера Ричарда Баузера, у которого было всего 2 недели на разработку лифта, и он успел вовремя.

Новая система, которая объединяла привычный тросовый лифт с кабинкой колеса обозрения на карданной подвеске, была запущена в 1968 году.

**Лифт музея Mercedes-Benz, Штутгарт, Германия**



Если вы будете в Штутгарте, обязательно посетите музей Mercedes-Benz – кроме интересных экспонатов, вы сможете покататься на очень интересном лифте, который находится в центральном зале.

На самом деле в зале по вертикальным рельсам двигаются несколько лифтов, и чтобы добраться с первого до последнего (9-го) этажа им нужно всего 30 секунд. Кабинки лифтов оформлены в футуристичном виде, что, несомненно, впечатляет.

Как правило, все экскурсии по музею начинаются именно с лифта. Также у лифтов есть одна интересная характеристика – во время движения они издают звук ревущего гоночного болида.

**БЕЗОПАСНЫЙ ЛИФТ**

**Лифт SkyView на арене «Эрикссон-Глоб» (Ericsson Globe), Стокгольм, Швеция**



Арена «Эрикссон-Глоб» имеет диаметр 110 метров и является самым большим сферическим сооружением в мире. Она используется для различных мероприятий, включая концерты и спортивные соревнования.

Специально для этой арены был построен в микрорайон Глобен-Сити. В феврале 2010 года на внешней южной стороне здания было решено построить лифт, который бы перевозил людей на вершину строения.



Лифт SkyView имеет две шаровидные гондолы. Максимальная вместимость каждой - 16 человек. Двигаются гондолы по двум параллельным дорожкам. Чтобы добраться до самой верхней точки, лифту нужно 30 минут. Оттуда вы сможете увидеть с высоты всю красоту Стокгольма.

**Лифт в аквариуме AquaDom, Берлин, Германия**



Для начала стоит отметить, что AquaDom является самым крупным в мире цилиндрическим аквариумом, в котором залита солёная вода.

Его емкость сделана из акрилового стекла, а высота достигает 16 метров, при диаметре 11,5 метров. Вмещает этот аквариум 1 миллион литров воды. Находится этот аквариум в отеле Radisson Blu в берлинском районе Митте. Стоимость данного сооружения составляет почти 13 миллионов евро.

Внутри аквариума установлен двухэтажный лифт, с помощью которого посетители могут заглянуть в его внутреннюю часть, и насладится красотой 1 500 рыб, который представляют 97 видов.

**По материалам интернета.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Муассис:** «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шуҳратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 90-720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 93-466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1007.
2349 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Ш. Хўжаев.

ЎзА якуни – 00.55. Топширилди – 01.35.

1 2 3 4 6